Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
21 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 93
(12.521)

1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz


ТАНЛОВ

## УЛАР РАҒБАТГА МУНОСИБ

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллалар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови ўтказилмоқда.**




**СУРАТДА:** Ангрен шаҳридаги «Нуробод» маҳалласи чеварлари оқсоқол Абдужалил Эшонқулов билан танловда ўз маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этишди.

Бу йилги танлов алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси маъқуллаган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловини 2012 йилда ўтказиш тўғрисида"ги Низом талабларига асосан ташкил этилди.

Низомга кўра, шу йилнинг 1-20 август кунлари вилоятимизнинг барча ҳудудларида танловнинг туман ва шаҳар босқичлари, 20 октябрь куни Тошкент шаҳар босқичи ҳамда 1-8 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят босқичлари юқори савияда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги байрами арафасида ўтказилган танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1, 2, 3-ўринга сазовор бўлган 42 та маҳалла фуқаролар йиғини ўзаро беллашди. Танловнинг 1-шартига кўра, иштирокчиларнинг иш ҳужжатлари ҳамда фаолиятига оид кўрсаткичлари, эришилган ютуқлари қонунийлик, адолатлилик каби асосий тамойилларга риоя қилган ҳолда ўрганиб чиқилди ва баҳоланди.

Иккинчи шарт бўйича фуқаролар йиғинларининг маҳалла институтини ривожлантиришга оид таклифлари, хусусан, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, баркамол авлодни тарбиялашда "Оила – маҳалла – таълим муассасалари" ҳамкорлик тамойилини янада кучайтириш каби йўналишлар бўйича таклиф-мулоҳазаларига эътибор қаратилди.

Танловнинг 1- ва 2-шарти бўйича 42 та маҳалла фуқаролар йиғинидан энг юқори балларни қўлга киритган 14 та фуқаролар йиғини саралаб олиниб, 3-шарт бўйича мусобақага киришди. Иштирокчиларининг иш фаолиятига оид ва кундалик ҳаётимизда учраб турадиган саволларга берган жавоблари ҳамда фикр-мулоҳазалари, дунёқараши, ҳозиржавоблиги, тез фикрлаши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Тадбир давомида маҳаллалар ҳаёти ва иш фаолиятига оид ҳужжатлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.

Беллашувнинг барча шартларида юқори баллни қўлга киритган танлов ғолиблари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Равшан РУСТАМОВ.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинган ва халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20 ёшга тўлди. Шу тарихан қисқа муддатда Асосий қонунимиз ҳаётимизнинг ҳуқуқий таянчи ва маёғига айланиб, ҳаёт синовидан ўтиб келмоқда.**

Бундан ўн йил аввал, Юртбошимиз Асосий қонунимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида гапириб, олдимизда турган бешта масалани кўрсатиб ўтдилар. Ўшанда таъкидланган беш йўналиш бўйича сарҳисоб қиладиган бўлсак, ушбу масалалар ўз ечимини топгани ва бу борадаги ишлар давом этаётганининг гувоҳи бўламиз.

Биринчидан, "Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт", деган эди мамлакатимиз раҳбари. Шундан буён қонунчилик борасида икки палатали парламентга ўтилди, профессионал палатанинг жўшқин фаолияти натижасида юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Иккинчидан, "Жамиятимизда қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди", дейилган эди. Бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Конституциянинг 89-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир" деган жумлалар ўрнига "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди" деб ўзгартирилди. Шунингдек, ҳокимият тизимини ислоҳ этишга оид қатор янги қонунлар ҳамда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, суд тизимини ислоҳ этиш бўйича қатор вазифалар ўз ечимини топди. 1991-2000 йилларда амалга оширилган биринчи босқич ислоҳотлар натижасида янги одил судлов тизими тузилиб, судлар ихтисослаштирилган бўлса, ислоҳотнинг 2001-2010 йиллардаги 2-босқичида суд ҳокимиятининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясидаги ролини ошириш, жиноий жазони либераллаштириш, судга қадар бўлган босқичда суд назоратини кучайтириш ҳамда амнистия актини қўллашда суд тартибини ўрнатиш, адвокатура институти, ижро ишини юритиш ва процессуал қонунчиликни такомиллаштириш каби бир қанча муҳим вазифалар ҳал қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ТАҲЛИЛ

## САБАБЛАР БАҲОНА ЭМАС

**Ўрта Чирчиқ мамлакатимиз пойтахти ёнидаги катта иқтисодий ва коммуникация салоҳиятига эга туманлардан бири. Унинг шаҳарча ва қишлоқларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик замонавий қувватлар, турли мулкчилик шаклидаги кўплаб катта-кичик корхоналар барпо этилаётганлиги бежиз эмас. Мустақиллик йилларида туманда "Спентекс Тошкент Тўйтепа" қўшма корхонаси барпо этилди.**

Хўш, бу катта иқтисодий салоҳият ва қулай имкониятлардан бугун қандай фойдаланилмоқда?

Туман фаолларининг сўнгги йиғилишида бу саволга қаноатлантирарли жавоблар берилди. Чунончи, ўтган тўққиз ойда бир қатор башорат кўрсаткичлари ошириб бажарилди. Ўсиш суръатлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишида 125,2, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини етиштиришда 107, капитал қўйилмалар борасида 137,4 фоиз бўлди.

Ўтган ойларда тўртта лойиҳа амалга оширилиб, "Ҳилол Мубин", "Ёғоч пласт сервис", "Макс плюс интернационал", "Textile Mill Tashkent" масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Бу корхоналарда 100 дан ортиқ янги иш ўринлари очилиб, трикотаж мато, эшик-ром, мебель ва қоғоз, пайпоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Асосий капиталга барча молиялаштириш манбаларидан киритилган сармоялар 30,5 миллиард сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 137,4 фоиз кўп. Маблағларнинг 77 фоизини кичик тадбиркорлик субъектлари киритди. Натижада бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг улуши саноатда 26,8, қишлоқ хўжалигида 96,2, қурилишда 98, савдода 46,6, пулли хизматлар соҳасида 38,2 фоизга кўтарилди. Кичик тадбиркорлик субъектларига 9 ойда 13,3 миллиард сўмдан кўпроқ узоқ муддатли, 14,4 миллиард сўм қисқа муддатли кредит берилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## БАДИИЙ КЕЧА

**Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 20 йиллигига бағишлаб, бадиий кеча ўтказилди.**

Тадбирда туман Қизил Ярим ой жамияти, маданият ва спорт ишлари бўлими мутахассислари, шунингдек, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши етакчилари иштирок этди. Туманнинг хушовоз хонандалари ижросидаги дилтортар қўшиқлар кечага файз бағишлади.

Кеча сўнгида бир гуруҳ фаол аскарларга туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

САХОВАТ

## ТЎЙ ТЎЙГА УЛАНДИ

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури", Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва "Аёллар кенгаши" республика жамоатчилик бирлашмаси ҳамкорликда вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманларда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Ёшлар форуми", турли учрашув ва "1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари" хайрия акцияларини ўтказмоқда.**



Тадбирлардан кўзланган мақсад ёш авлодни баркамол, соғлом этиб вояга етказиш, истеъдодли, изланувчан йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини кенг намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

"1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси шаҳар ва қишлоқлардаги эҳтиёжманд оилалар, Меҳрибонлик уйида тарбияланган йигит-қизлар ҳаётида унутилмас воқеага айланди. Шундай тадбирлардан бири Янгийўл туманидаги "Фаровон" тўйхонасида бўлиб ўтди. Тумандаги кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг 5 никоҳ, 4 суннат тўйлари ўтказилди. Миллий қадриятларимизга мос ўтган тўйда келин-куёвлар ва тўйболаларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, катта ҳаёт тажрибасига эга отахону онахонлар иштирок этишди. Улар тадбир замирида халқимизга хос ва мос меҳр-оқибат, саховат, энг муҳими, юртимизда ёшларга бўлган чексиз ғамхўрлик мужассамлигини алоҳида таъкидлашди.

Шундан сўнг келин-куёвлар Янгийўл тумани фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлимида никоҳдан ўтишди.

(Давоми 2-бетда).

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## МАҲАЛЛАДА МАЙДОНЧА

**Пискент туманидаги «Митан» маҳалласида болажонлар учун мўъжазгина спорт майдончаси ташкил этилди.**

– Юртимизда болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб етишишлари учун турли спорт мажмуалари қуриб битказилмоқда, – деди ушбу майдонча ташкилотчиси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулбаҳра Эргашева.

**Умида ХЎЖАЕВА.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

## ТОПАРМОН-ЮТАРМОНЛАР

**Халқ – доно. Ҳамиша билиб, топиб айтади. Масалан, "Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл!" мақоли шунчаки гап сифатида айтилмаган. Унинг замирида катта маъно бор.**

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судида кўриб чиқилган бир жиноят тафсилотлари билан таниша туриб, шундай мулоҳазаларга борасан, киши. Боз устига, давлатимиз тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратиб бераётган имтиёзу имкониятлар баъзи нафси бузуқ, ўз манфаатини ҳатто эл-юрт, Ватан манфаатларидан ҳам устун қўювчи "тадбиркор"лар томонидан суиистеъмол қилинаётгани, айниқса, бу маккорларнинг айримлари хориж фуқаролари эканлигидан дилинг ранжийди.

Яқинда шундай ноқонуний тадбиркорликни касб қилиб олган, даромадини яшириб, текин бойлик орттиришга муккасидан кетган яна бир жиноий гуруҳнинг пайи қирқилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари олиб борган тезкор ҳаракатлар халқ тили билан айтганда "топармон-тутармон" эмас, "топармон-ютармон"ларнинг надоматга тўла сўнгги манзилини кўрсатиб қўйди...

Жиноий иш жилдидан: Гунеш Мехмет, 1966 йилда Туркия давлатида туғилган. Мазкур давлат фуқароси. Миллати турк, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган. Шу чоққача Чилонзор тумани, 8-даҳа, 11-хонадонда вақтинча рўйхатдан ўтиб, яшаб келган.

Кахве Али, 1959 йилда Туркия давлатида туғилган. Мазкур давлат фуқароси. Миллати турк, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган. Шу чоққача Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1 даҳаси, 4-уй, 11-хонадонда вақтинча рўйхатдан ўтиб, яшаб келган.

(Давоми 4-бетда).

МАЪНАВИЯТ

## КИТОБ – КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

**Бўш пайтларимда китоб дўконларини айланаман. Турли соҳаларга доир адабиётларни кўриш, янги нашрдан чиққан китобларни кўздан кечириш одат бўлиб қолган. Ана шунда баъзан анчадан буён дўкон пештахталарида турган китобларни кўриб, уйга толаман. Албатта, уларни савияси, долзарблиги, бадиий ва илмий қиймати жиҳатидан иккига бўлиш мумкин. Биринчиси, бу ҳақиқатан ҳам бадиий жиҳатдан савияси паст, етарли маҳоратга эга бўлмаган "жайдари" ижодкорларнинг қаламига мансуб. Илмий китобларнинг айримлари эса саёз, юзаки, олди-қочди гаплардан иборат. Қўйилган масала долзарб, бироқ таҳлил йўқ, аниқ илмий хулоса йўқ, фикр тиниқ эмас, баён усули ғоятда зерикарли. Афсуски, гоҳида бундай муаллифлардан биттасининг бир нечта китоблари пештахтада қатор туради.**

Уларнинг ўқувчилари ҳам ўзлари даражасида. Сотилмай туришининг сабаблари ҳам аслида, ана шунда. Иккинчи тури эса, кишини чиндан ҳам ажаблантиради. Баъзан чуқур изтироб чекишга ҳам мажбур қилади. Атоқли, машҳур ижодкорларнинг асарлари гоҳида харидорини топа олмайди... Аниқроғи, харидор йўқ. Китоб ўқийдиган одам кам. Дарҳақиқат, китоб ўқимай қўйдим. Оммавий тарзда китобхоннинг даражаси тушиб кетди.

Болалигим қишлоқда, бошқача қилиб айтганда, пахтазорда ўтган. Мурғаккина пайтимиздан онамизга эргашиб, далага чиқардик. Сал бўйимиз етиб, билагимизда куч пайдо бўлган пайтданоқ ўқишдан бўш вақтларимизда кетмон кўтариб, далага чопардик. Деҳқонлар билан баббаравар меҳнат қилардик. Айниқса, пахта йиғим-терими пайти анча масъулиятли, долзарб палла ҳисобланар эди. Қорли-қировли кунларда пахтанинг охирги чигитларини териб бўлгач, кундузи кўсак териб, кечқурун уни бутун қишлоқ бир жойга тўпланиб, чувар эдик. Қишлоғимиз ўртасидаги эски масжиднинг айрим ҳужралари, айвони минерал ўғитлар омборхонасига айлантирилган эди. Бинонинг орқа томонидан кавланиб, ўчоқ ясалиб, ернинг тагидан намозхона саҳни бўйлаб тутун айланиб чиқиб кетадиган мўри ясалган эди. Ўчоқда олов ёқилганда, намозхонанинг ери исирди. Ана шу иссиқ ерга кўсакдан ажратилган намиққан ғўзани ёйиб, қуритиларди. Бу жой қуритгич деб аталарди. Қишлоқ одамлари уни ўз тилларига мослаб "шушулка" дейишарди.

Кўсак чувиш мавсуми менга болалигимданоқ қандайдир гаштли, файзли туюларди. Узун қилиб тўкилган кўсак атрофида бутун қишлоғимиз аҳли – аёллар, эркаклар, болалар давра қуриб ўтиришарди ва суҳбатлари ярим тунгача, аниқроғи, кўсак тугагунча давом этарди.

Қишлоғимизда Раҳмат исмли киши бўларди (жойлари жаннатда бўлсин). У киши оддий деҳқон, сувчи, кетмончи одам эди. Лекин ҳафтада, ўн кунда бир қишлоқ шўроси биносида жойлашган кутубхонага қатнар эди. Китоб олиб ўқирди. Жазирама ёз кунларида тушлик пайтида сояда, кеч кузда кўсак чувиш пайтида эса кечқурунлари Раҳмат ака ҳаммамизнинг овунчоғимиз эди. У қатор-қатор романларни, қиссаларни бир бошдан қизиқарли қилиб гапириб бериб, одамларни зериктирмасди. Кўсак чувиш мавсуми эса "Минг бир кеча" ривоятларининг, "Алпомиш", "Гўрўғли" сингари қатор-қатор достонларнинг, "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романларининг баёни билан ўтарди. Раҳмат ака китобхон эди, зиёли эди. Лекин оддий деҳқон эди.

... Китоб дўконларини айланиб, Раҳмат акани эслайман. У киши ҳақида бот-бот ўйлайман. Бугун Раҳмат акалар бормикан ё уларнинг барчаси Раҳмат ака билан кетдимикан? Наҳот, китобхонлик даражаси шу даражада пасайган бўлса?! Наҳот китобдан шунчалик безиган бўлсак...

Дўконни айланар эканман, беихтиёр талабалик йилларимни эслайман. Олтмишинчи йилларнинг охири, етмишинчи йиллар... Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Омон Матчон, Жамол Камол ва бошқа забардаст шоиру адиблар адабиётимизга шиддат билан кириб келган, ўз номи, ўз овози ва ўз сўзи билан адабий жараёнда кескин бурилиш ясаган истеъдодли авлод қад кўтараётган эди. Ўшанда шеърий китоблар 35 минг нусхагача, насрий китоблар эса 60 минг нусхагача чоп этиларди. Айниқса, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбековларнинг асарлари шунча катта нусхада чоп этилишига қарамай, икки-уч ойда сотиб тугатиларди. Биз талабалар сотувчи опаларга ялиниб, "Абдулла аканинг китобидан топиб беринг", "Эркин аканинг фалон китоби борми?" дея зорланардик. Ушбу китоблар шунча катта нусхада нашр этилишидан қатъи назар, икки-уч мартадан қайта босиларди. Ўткир Ҳошимовнинг "Баҳор қайтмайди" қиссаси қайта-қайта босилиб, умумий нусхаси икки юз мингтадан ошган бўлса керак. Ваҳоланки, ўша пайтда республикамиз аҳолиси тахминан 13-15 миллион киши эди. Бугун республикамиз аҳолиси 30 миллиондан ошган бир пайтда энг номдор адибларимизнинг китоблари 3-5 минг нусхада чоп этилаётгани ва уларнинг сотилиши ҳам анча муаммога айланаётгани ташвишли ҳол.

Очиғини айтсак, китоб ўқимай қўйдик. Китобхонлик даражаси кескин тушиб кетди. Енгил яшаш, енгил фикрлаш, кундалик ҳаёт оқимида умр ўтказиш одат бўлиб қолди. Бунинг устига, юқорида таъкидлаганимиз, биринчи тоифага кирадиган истеъдодсиз, қобилиятсиз, "хонаки" шоиру адибларимизнинг "ижодий самараси" натижасида жамиятда ялпи бадиий савия, эстетик дид пасайиб кетди. Бир пайтлардаги оммавий шеърхонликлар, адабий мунозаралар хотираларга айланиб қолди. Бедилхонлик, Навоийхонлик, Пушкинхонлик, Машрабхонликлар эртакка айланди. Катталаримиз телевизордан, кичикларимиз интернетдан айрилмайдиган бўлдик. Бадиий савиянинг пастлигидан пойтахтимиздаги энг ҳашаматли, тўрт минг ўринли саройда бетайин "санъаткор"лар 10-15 кунлаб концерт беришади. Зал тирбанд бўлади. Мумтоз ва нодир ҳофиза Муножот Йўлчиева икки кунлик концерт эълон қилади. Бир кунда тугатади. Чунки, юксак савияли тингловчи йўқ. Савия эса китобхонлик билан, эстетик дид билан боғлиқ.

Ахборот хуружи авж олган ҳозирги пайтда компьютер, аниқроғи интернет бутун ҳаётимизни қамраб олди. Ёшу қари, ўқувчию зиёли, хоҳлаган мутахассислик эгаси компьютерда ишлаш, маълумот тўплаш ва осонлик билан муаммосини ҳал этиш йўлига ўтди. Талабага реферат керакми, тайёри интернетда! Ўқитувчига маърузалар матни керакми, тайёри интернетда! Тадқиқотчига диссертация керакми, тайёри интернетда! Уёқ-буёғини ўзгартириб, маҳаллий шароит ва талабларга мослаштирсанг, бўлди. Маъруза ҳам тайёр, диссертация ҳам! Бош қотириб, миянинг "қатиғи"ни чиқариб китоб ўқиш шарт эмас. Муаммога шахсий ёндашув, мустақил мушоҳада қилиш, мустақил фикр юритиш ибтидоий ҳодиса бўлиб қолди. Бу-ку, талаба ва зиёлиларнинг иш услуби. Оддий одамлар эса китобдан бутунлай узоқлашишди. Ваҳоланки, китоб – маърифат манбаи! Китоб онгингни чангу ғубордардан тозалайдиган, руҳиятингга жон бағишлайдиган, тасаввурингни бойитиб, тафаккурингни кенгайтирадиган мўъжиза, беқиёс қудрат.

Маърифат – мангу ёниқ аланга! У қалбларга олов, кўзларга зиё бағишлайди. Маърифат – сирли тилсимот! У кишини ёруғликка, ёруғ хаёлларга, ойдин умидларга ошно этади. Маърифат – тафаккур ва онг сарчашмаси! У кишига рағбат, ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғусини бахшида этади. Маърифат – беаёв курашга даъват! Зотан, улуғ бобомиз Абдулла Авлоний ҳам "...Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ФУТБОЛ

# «МЕТАЛЛУРГ»ГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

**Ўзбекистон XXI миллий чемпионатининг олий табақа мусобақалари якунланмоқда. Бекобод шаҳрида 25-тур ўйинлари доирасида "Металлург" Муборакнинг "Машъал" жамоасини қабул қилди.**

Дастлабки дақиқалардаёқ ҳар икки жамоанинг ҳужумкорлик руҳи кўзга ташланди. Дарвозалар олдида футбол ишқибозларини ҳаяжонга солган бир нечта хавфли вазиятлар вужудга келди. Бироқ, гоҳ у – гоҳ бу жамоа ўйинчилари мудофаани ёриб ўтсаларда, хийла фурсатгача тўпурарларга омад кулиб боқмади.

"Машъал" футболчилари ҳужумларининг бири, ниҳоят муваффақиятли якунланди. Муборак футболчиси Павел Саломин ҳисобни очди. Шундан сўнг "Металлург"чилар ҳужумни кучайтиришди ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Меҳмонлар дарвозасига жавоб тўпини жамоа сардори Ҳикмат Ҳошимов киритди.

Иккинчи бўлимни "Металлург" пухта ўйлаб ташкил этилган ҳужум билан бошлади. Сардор Расулов дарвозани аниқ мўлжалга олиб, "Металлург"ни олдинга олиб чиқди. Гарчи "Машъал" футболчилари бир неча марта уюшқоқлик билан ҳужумга ўтган бўлсалар ҳам ҳисобни тенглаштира олишмади, 2:1 ҳисоби сақланиб қолди.

"Металлург" мавсумнинг якунловчи 26-тур ўйинида "Андижон" жамоасининг меҳмони бўлади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

**Ўзбекона белбоғли кураш мамлакатимиздаги анъанавий уч босқичли спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Келажак авлод" ва "Универсиада" мусобақалари дастуридан мустақил ўрин эгаллагани бежиз эмас. Ушбу миллий кураш тури айниқса, ёшлар орасида оммавий тус олишга улгурди.**

# БОБУР – ЖАҲОН КУБОГИ СОҲИБИ

Қувонарлиси шуки, белбоғли кураш миллийлик доирасидан чиқиб, аллақачон бутун дунё мамлакатларига кенг ёйилди. Эндиликда полвонларимиз халқаро кураш майдонларида ҳам кетма-кет ғалаба қучиб, мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерациясининг тақвим режасига кирган сўнги халқаро мусобақада ҳам юртимиз вакиллари жаҳонда энг кучлилардан эканликларини яна бир бор амалда намойиш этишди. Россиянинг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубоги ҳамда гран-при беллашувларида ўттизга яқин давлатлар вакиллари иштирок этди.

Албатта, кучлилар даврасида энг кучлиси бўлиш осон эмас. Аммо, тажрибали мураббийлар Шавкат Мирзақулов ва Неъматулло Тўйчиев қўл остидаги машғулотларда обдон чиниққан полвонларимиз юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишди.

Курашчилар дастлаб жаҳон кубоги соҳиблигини қўлга киритиш учун гиламга чиқишди. Якуний натижаларга кўра, полвонларимиз Россия вакилларидан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Классик йўналишда Залобиддин Ортиқов, Рустам Умаров, Латиф Бадалов иккинчи ва Зоҳид Ортиқов учинчи ўринларни қўлга киритишган бўлишса, Бобур Тўхтасинов биринчиликка эришиб, жаҳон кубоги эгаси бўлди. Эркин йўналишда эса, Зоҳид Ортиқов, Мансур Баҳромов иккинчи, Жаҳонгир Жуманов, Музаффар Сойиббоев ва Гулхумор Дадабоева учинчи поғонадан жой олишди.

Бобур Тўхтасинов жаҳон кубоги доирасида ўтказилган гран-при беллашувларида ҳам рақиблари орасида тенгсиз эканини исботлаб, Ватанимиз байроғи баланд ҳилпираши ва миллий мадҳиямиз янграшини таъминлади. Яна тўрт вакилимиз совринли ўринларни эгаллаб, умумжамоа ҳисобидаги ютуғимизга катта ҳисса қўшишди.

**Ўз мухбиримиз.**

BOLALIK BOG`I

**Yosh iste'dodlarni kashf etish maqsadida uyushtirilayotgan tanlovlardan biri "Yangi avlod"da ishtirok etib, nufuzli o`rin egallagan angrenlik yosh qalamkash Sarvinoz Mamatova hozir 7-sinfda o`qiydi. "Dovon jilg`alari" to`garagining faol a'zosi. Uning Vatan, ona-tabiat va odamlarga bo`lgan mehri, sadoqati aks etgan she'r va hikoyalari muxlislar e'tiboriga tushgan. Muhimi, ularning har birida odamiylik shevasi, kelajakka bo`lgan qat'iy ishonch sezilib turadi.**

# VATAN

Inson uchun hamisha ona sutidek aziz bir hilqat mavjud. Bu kindik qoni to`kilgan shahar, qishloq – Vatan.

Vatan – ko`ngildagi eng pokiza va musaffo tuyg`ularga ruh beruvchi, ilohiylik baxsh etuvchi maskan.

Vatan!

U olis safarga ketayotganingda ortingga yana bir bor qayrilib qaraguvchi mo`jizaviy kuch – ostonangdir.

Qirg`izistonda bir qarindoshim yashaydi. Ular biznikiga kelib turadilar. Har gal mehmonga kelishganida "men bugun mana shu shoir bilan uchrashdim, keyingi safar mana bu adib bilan uchrashaman" deb maqtanaman. Har kelganida:

– Senga juda-juda havasim keladi, chunki sen shunday Vatanda tug`ilib voyaga yetmoqdasan, kelajaging porloq. O`z iste'dodingni namoyon qilishing uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan. Biz esa har bir tongni tinchlikda qarshilaganimizga behad quvonamiz. Kelajakda kim bo`lib yetishishimizning ham qizig`i yo`q, muhimi tinchlik, hech qanday urushlar bo`lmasa deyman. Qani edi bir umrga O`zbekistonda qolsam... Lekin o`z uyimni, ota-onamni, tug`ishganlarimni – Vatanimni tashlab ketolmayman-da, – deydi u og`ir xo`rsinib.

Tengdoshimning bu o`kinchli so`zlari meni o`ylantirib qo`ydi. Uning xomush chehrasi ko`z oldimdan nari ketmadi, o`sha kecha ko`zimga uyqu ham kelmadi, shunday jannatmakon yurtda tug`ilganimdan, oqil, insonparvar Yurtboshimiz borligidan faxrlandim va shu she'rimni bitdim.

## O`zbekiston

*Samoga baxt rasmin chizar turnalar,*
*Shodlik kuyin chalar sharqiroq soy ham.*
*Omad qo`lim tutar, tole-da, quchar,*
*Menga havas qilar ko`kdagi oy ham.*
*Omad ham Ollohdan inoyat ekan,*
*Omadim – shu yurtda tug`ilganligim.*
*Baxtimga dunyolar qilmoqda havas,*
*Baxtim – O`zbekiston mening Vatanim.*

## Qizg`aldog`im

*Qirmi uying qizg`aldog`im,*
*Qirdan pastga tusholmaysan,*
*Sevarmiding Muhammadni*
*O`zga dilni xushlolmaysan?*
*Uch-to`rt kunmi umring sening,*
*Nega ko`proq yasholmaysan,*
*Singlim bo`l, deb qo`lim cho`zsam,*
*Qo`llarimdan ushlolmaysan?*
*– Qir-adirlar menga Vatan,*
*Vatanimdan ketolmayman.*

*Meni ilk bor erkalagan*
*Muhammaddan kecholmayman!*
*Har bahorda to`rt kunlik baxt –*
*Yetar, ortiq yasholmayman.*
*Bo`yim ham past, qo`lim kalta,*
*Qo`llaringdan ushlolmayman.*

**Sarvinozxon MAMATOVA,**
**Angren shahridagi 18-o`rta ta'lim maktabining 7-sinf o`quvchisi.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ТОПАРМОН-ЮТАРМОНЛАР

Хамроқулова Любовь Сергеевна, 1960 йилда Россия Федерациясида туғилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Миллати рус, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган. 2 фарзанди бор. Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек кўчаси, 76-уй, 28-хонадонда яшаб келган.

Тўлаганов Шуҳратилла Убайдуллаевич, 1970 йилда Янгийўл туманида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий, муқаддам судланмаган. 3 фарзанди бор. Шу чоққа қадар Янгийўл тумани, Убай Мусаев номли қишлоқ фуқаролар йиғини, Туябўгиз қўрғони, рақамсиз уйда яшаб келган.

Қорабоев Исроил Исмоилович, 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий, муқаддам судланмаган. 4 фарзанди бор. Шу чоққа қадар Юнусобод тумани, Киев кўчаси, 29-уйда яшаб келган.

Ирисова Дилбархон Раҳмоналиевна, 1971 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати тожик, маълумоти олий, муқаддам судланмаган. 3 фарзанди бор. Шу чоққа қадар Сергели тумани, Спутник-4 даҳаси, 50-уй, 121-хонадонда яшаб келган.

Булар биз ҳикоя қилмоқчи бўлган жиноятнинг асосий иштирокчилари. Бир қарашда замонавий тадбиркор улар. Фаолият турлари ҳам оддий: савдо-сотиқ, маиший хизмат, дегандек. Унчалик кўзга кўринмас иш билан енг ичида шуғулланиб келган бу шоввозлар киши билмас ва ақл бовар қилмас ҳолатда давлатга анча-мунча зарар етказиб улгурганларига нима дейсиз?

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, дунёда сувараклнинг неча хил тури мавжуд? Ҳар ҳолда бу зараркунанданинг уруғи сизу биз ўйлагандан анча зиёдроқ экан. Масалан, Энциклопедия манбаларида сувараклнинг 3 мингдан ортиқ хили мавжуд экани қайд этилиб, бу жонзотга шундай "сифат" берилган: жуда тез урчийди, касаллик тарқатувчи хусусиятга эга. Тез ва аниқ ҳаракатлана олади, айниқса, қоронғида жуда фаол...

Тавба, баъзи қаллоблар ҳақида гап борганда, уларни сувараклмижоз одам, дейишлари бежиз эмас экан-да...

Бу ёғини сўрасангиз, Гунеш Мехмет жаноблари 2003 йилдан бери "ILKAY" масъулияти чекланган жамиятга раҳбарлик қилиб келади. Афтидан, бу кимса юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратиб қўйилган шунча имкониятy имтиёзлардан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланса ҳам бўлаверади, деб ўйлаган кўринади. Бўлмаса, қонун ҳужжатларию ваколатли идораларнинг меъёрий ҳужжатлари талабларини бу қадар оёқости қилишга ботинолмаган бўларди.

Гап шундаки, Г. Мехмет масъул мансабдор шахс бўла туриб, қилаётган ишининг қонунга мутлоқо зид эканини аввалдан билган ҳолда, ёнига бир тўда гумашталарни йиғди-ю, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб, ишлайверди. Аввалига, жамиятни қайта рўйхатдан ўтказиш асносида корхонасининг фаолият турини атай бузиб кўрсатди. Бу унинг, шубҳасиз, назорат қилувчи идораларни чалғитиш, кўпроқ ва осон даромад топиш, энг ачинарлиси, давлат ғазнаси учун тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни четлаб ўтиш, белгиланган тартибда лицензияланадиган фаолият турлари билан ҳеч қандай рухсатсиз шуғулланиш каби ғаразли мақсадлари йўлидаги биринчи қадами эди.

Шу йўлда дастлаб жамият бош ҳисобчиси Любовь Сергеевна, "PINAR TRANS" масъулияти чекланган жамиятнинг собиқ раҳбарлари Ш. Тўлаганов, И. Қорабоев ҳамда мазкур жамият раҳбари Кахве Али билан жиноий тил бириктириб, 2009-2010 йилларда юк автомобилларини вақтинча сақлаш фаолиятидан жами 27 миллион 419 минг сўмлик нақд пул тушумини бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида акс эттирмай, "туя" қилишди. Худди шу икки кимса ўз қаватига кассир Дилбар Ирисовани ҳам олишиб, амалдаги қонун талабларига зид равишда жамият қошида умумий овқатланиш шахобчаси фаолиятини ҳам йўлга қўйишиб, ҳеч қандай рухсатсиз алкоголь ичимликлар савдоси билан хуфиёна шуғулланиб келишди. Шунингдек, Г. Мехмет эски ҳамтовоғи К. Али иштирокида жамиятнинг асосий валюта ҳисобварағини Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон-Туркия банки"да очиб, 2010 йилнинг январь, февраль, март ойларида транспорт-экспедиция фаолиятидан тушган 16 миллион 815 сўм накд пулни ҳам солиқдан беркитишди.

Уларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари фақат шу йўналишдагина эмас. Фаолиятдан тушган хориж валютасининг бир қисмини ваколатли банк орқали мажбурий сотиш талабини бузиб, кўп миқдордаги пул маблағини яшириб келишди. Бу ҳам етмагандек, қўллари остида хизмат қилиб келган ходимларнинг "пешона терлари ҳақи"га ҳам кўз олайтириб, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишди.

Умуман, бу жиноий иш тавсилотлари билан танишган киши келиб чиқишининг тайин-тутуриғи бўлмаган икки хорижлик тадбиркор гарчи бегона юртда бўлса ҳам ўз нафси аммораси йўлида кўпчиликни чув тушириб, баъзи иродаси бўш, содда юртдошларимизни ҳам боплаб тузоққа илинтирганини пайқаши қийин эмас. Яна бу шоввозларнинг суд мажлисида ўзини минг бир қиёфага солиб, айбига иқрор бўлмай қилган важ-карсонларини кўрсангиз...

Аммо, ҳақ жойида қарор топади. Қилинган ҳар бир ножўя ҳаракатнинг жавоби эртами-кечми – муқаррар. Бинобарин, тергов материаллари, судда тарафлар ва гувоҳлар билдирган далил ва кўрсатмалар барчасига холисанилло ойдинлик киритди. Пировардида, айбдорларнинг тақдирга тан беришдан бошқа чоралари қолмади.

Албатта, суд ҳукмига кўра уларнинг ҳар бири ўз қилмишига яраша жазо олди. Жиноий гуруҳнинг хатти-ҳаракатлари орқасидан давлатга етказилган зарар айбдорлардан тўлиқ ундириб олинди.

Инсофу диёнат кетиб, ҳаром бойлик келган жойда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

**Асил БЕКМУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

КЎРГАЗМА

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида "Табиат ва рассом" мавзусида XXVIII республика анъанавий кўргазмаси очилди. Йигирма саккиз йилдирки, ушбу анъанавий кўргазмага рассомлар ўз ижодлари билан ҳисса қўшишга ҳаракат қилишади. Ўтган даврда табиат оламини, борлиқни ифодалашда, асар яратиш услуби, жанр ва йўналишларда кенг кўламли ўзгаришлар юз берди.**

# ТАБИАТ ВА РАССОМ

Мазкур йўналишдаги кўргазманинг тарихига назар ташласак, ўтган йилларда ўз услуб ва ижод йўналишига эга бўлган бир қатор қобилиятли рангтасвирчи рассомлар авлоди етишиб чиққанини кўрамиз. Уларнинг кўпчилиги шу кўргазмада ўз асарлари билан иштирок этишмоқда.

Кўргазмадан таниқли ва ёш рассомларнинг 200 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Уларда табиат оламини ифодалаш ва профессионал маҳоратни мукаммаллаштиришга бўлган интилишни, ўзига хос ранглар гармониясини кўрамиз.

Кўргазмада шунингдек, Тошкент вилоятининг гўзал манзараларини акс эттирган Е. Мельников, Р. Гаглоева, Я. Салпинкиди, Р. Ризамуҳамедов, Р. Худойберганов, А. Мирсоатов, С. Аллаберганов ва бошқа рассомларнинг "Бурчмулла томонлари", "Мовий Чорвоқ тепасида", "Сўқоқ қишлоғи устидаги баҳорий осмон", "Меҳмонга. Сўқоқ", "Чорвоқ. Оқшом", "Сариқ тоғ ортида куннинг ботиши" (Хожикент), "Тўқай қишлоғи. Алвон ранг булутлар" (Бўстонлиқ тумани), "Тонг" (Оқтош), "Кузги боғ" (Хумсон атрофи), "Чимён", "Чимёнда қиш", "Чорвоқда куз", "Сўқоқ", "Хумсон" каби бир-бирини тўлдирган 30 дан ортиқ асарлар ўрин олган. Улар кишига нафақат завқ, балки мулоҳазага чорлаб, маънавий озиқ беради.

Кўргазма шу йилнинг 15 декабрига қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

## Минг дардга даво

**Янги зеландиялик олимларнинг сўзларига кўра, асал, гул чанги, асалари заҳри ёрдамида қон томирларининг кенгайиши, псориаз, артроз ва остеохондроз каби турли хил касалликларни даволаш мумкин экан.**



Уларнинг айтишича, асал таркибидаги организм учун жуда зарур бўлган темир, йод, цинк, кобальт, марганец, фтор каби ўттизга яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиклари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш, жигарни тозалаш имконини беради.

Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра асалнинг ўттиз фоизли эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма ўрнини ҳам боса олади. Боиси қон билан асалнинг кимёвий таркиби деярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахшлик борасида тенгсиз ҳисобланади.

**ЎзА.**

XXI аср ва ДУНЁ

## АНТИҚА КЎЗОЙНАКЛАР

**Япониялик олимлар инсонни ортиқча вазндан халос этувчи антиқа кўзойнак яратди. Мазкур кўзойнакларга ўрнатилган махсус ойна тановул қилинаётган таом ҳажмини қарийб эллик фоизга катталаштиради.**

Ундаги ҳид тарқатувчи ускуна киши димоғини овқатнинг хушбўй ҳиди билан тўйдириш хусусиятига эга. Бу одамда овқат ейишга бўлган истакни сўндиради.



Бундай ажабтовур кўзойнакни тақиб овқатланган ҳар қандай инсон одатдагидан ўн фоиз кам миқдорда таом истеъмол қилар экан.

Японияда ўтказилган "Digital Content Expo" кўргазмасида намойиш этилган бу инновацион технология 2013 йилда сотувга чиқарилади.

**ЎзА.**

НИГОҲ

# ЕР СОТГАН... ЎНҒАЛАДИ

**Абдужамил Сатторов Ашт тумани ҳукумати раиси лавозимида ишлаб турганида, катта-катта майдонлар қишлоқ хўжалик тармоғи манфаатларига хизмат қилмаётганини кўриб, ич-ичидан куйинар эди. Тўғрида, ўнлаб километрга чўзилган ярим саҳро ва чўл зоналар бекор ётибди. Улардан фойдаланиш учун сув йўқ, яқин орада бўлмаса ҳам керак. Советлар даврида ҳам бу ерлар ўзлаштирилмади. Энди эса, умуман иложи йўқ.**

Йўқ, жаноб Сатторов шунча ер бекор ётганига, халққа нафи тегмаётганига қайғурмаяпти. Унинг дарди бўлак. Агар бу кенг майдонлар фойдаланишга яраганида, аллақачон уни кимлар-гадир мўмай-мўмай поралар эвазига пуллаб олган бўларди.

Тожикистонда бундай учар амалдорлар истаганча топилади. Улар айнан ер ресурсларини тақсимлаш соҳасида "ишлаш"ни хоҳлашади. Коррупция энг кучли авж олган соҳа ҳам шу ўзи. Буни Сўғд вилояти прокуратураси ходимлари ҳам тасдиқлашади. Вилоят прокурори ўринбосари Музаффар Боқиевнинг айтишича, Хўжанд, Бобожон, Ғафуров, Панжикент, Конибодом, Жаббор Расулов туманлари ҳукуматлари амалдорлари ашёвий далиллар билан қўлга олиндилар.

Президент Имомали Раҳмон Жумабой Сангиновни Сўғд вилояти раисининг биринчи ўринбосари, Иброҳим Абдуллаев билан Абдужамил Сатторовни Истарафшон шаҳри ва Ашт тумани раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлаганда, бутун вилоят аҳли ўртасида "улар бу лавозимларни сотиб олдилар" деган гап кенг овоза бўлди. Матлубахон Сатторова Табошар шаҳри бошлиғи, Зафар Исмоилов Ганчи тумани маъмури этиб тайинланишлари билан юқоридаги узунқулоқ гаплар амалда тасдиғини топди. Юқори табақалардаги манбалардан маълум бўлдики, улар Тожикистон президенти девонига 60 мингдан 150 минг долларгача маблағ жўнатишган экан.

Имомали Раҳмоннинг ўзи хон, кўланкаси майдон оиласи барча унумли соҳаларни ўз қўлига олиб, яқинларига имкон қолдирмаяпти, тинчлик бермаяпти. Бу бечоралар "Нима учун менга мумкин эмас?" деган саволга ечим тополмай оворалар.



Айрим амалдорларнинг ўз қариндошларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа куч қўлловчи идоралардаги раҳбар лавозимларга жойлаштиришга уринишлар кенг анъана тусини олди. Чунончи, милиция полковниги Маҳманазар Пиров "Рохи охани Тожикистон" давлат шўъба корхонаси бош директори Омониллои Ҳикматуллонинг жияни бўлгани учунгина Сўғд вилояти Матчо тумани ички ишлар бўлимига раҳбар бўлди.

Бундай қариндошлари йўқларга бироз қийин, аммо улар ҳам бенасиб қолмаяптилар. Масалан, Сўғд вилояти ички ишлар бошқармаси 6-бўлимига раҳбарлик қилиб турган Мажид Алиев мустақил бошлиқликни кўнглига тугиб юрарди. 50 минг долларнинг баҳридан ўтувди, ниятига етди-қўйди. Бу пулни Тожикистон ички ишлар вазирининг ўринбосарларидан бирига тутқазувди, олам гулистон бўлди – Спитамен туман ички ишлар бўлими бошлиғига айланди.

Сўғд вилояти прокуратураси маълумотларига қараганда, ҳокимият органлари ходимлари, олий ўқув юртлари ва мактаб ўқитувчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари тез-тез порахўрлик билан қўлга тушиб туришади.

– Афсуски, коррупция билан боғлиқ кўплаб жиноятларни мансабдор шахслар ва жамоат тартибини сақлаш ходимларининг ўзлари содир этишяпти, – дейди вилоят прокурори ўринбосари Муҳаббат Ўрунов.

**Шариф ВОСИЕВ.**
**www.tajmigrant.com.**

БУ ҚИЗИҚ

## Чекиш кўзга зиён

**Хитойлик олимлар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўзга катаракта тушиши – кўз хиралашишига олиб келиши мумкин, деб таъкидламоқда.**



Узоқ вақт олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида маълум бўлишича, чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан кўзнинг ушбу турдаги касаллигига чалиниш хавфи анча юқори.

Хитойнинг Чжэцзян университети қошидаги Офтальмология институти вакилларининг сўзларига кўра, катарактанинг ўз вақтида олди олинмаса, ёхуд тўғри даволанмаса, кўрликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис экспертлар чекишдан бутунлай фориғ бўлиш лозимлигини тавсия этмоқда.

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6847. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.35. 12345